

## ЎРХОН ПАМУҚНИНГ “ОҚ ҚАЛЪА” РОМАНИДА ШАРҚ ВА ҒАРБ ЗИДДИЯТИ

Асадова Дилбархон Файзуллоевна

Тошкент давлат шарқшунослик университети Туркий

алқлар тарихи, маданияти, сиёсати ва иқтисодиёти

кафедраси стажёр-ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу илмий мақолада Ўрхон Памуқнинг “Оқ қалъа” романидаги Шарқ ва Ғарб зиддияти очиб берилган. Мазкур роман Ўрхон Памуқнинг аввалги романларига қараганда ҳажми нисбатан кичикроқ ҳисобланади. Шунга қарамасдан, “Оқ қалъа” романи Ўрхон Памуқнинг шухратини нафақат Туркия, балки, бутун дунёга ёйди.

Мақолада таъкидланишича, мазкур асарда Ўрхон Памуқ постмодерн романга хос бўлган роман ичида роман қуриш, метафиксация усулидан фойдаланган ва тарих элементи орқали воқеликни ташқи ва ичкига ажратган. Ўрхон Памуқ дунё адабиётшуносларининг юксак эътирофига сазовор бўлган бу романи билан ўз ижодида бош ғоя сифатида кўтарган кўплаб масалаларга ойдинлик киритган.

“Оқ қалъа” романининг инглиз тилидаги нашри Европа ва АҚШнинг йирик адабий доиралари томонидан олқишланган. Асардаги энг муҳим мавзу Шарқ ва Ғарб маданияти ўртасидаги қарама қаршилиқ бўлиб, Хожа образида Шарқ ва италиялик қул образида эса Ғарб тимсоли ётади. Романни мазкур зиддиятнинг бадиий ифодаси сифатида талқин этиш ўринли бўлади.

**Таянч сўз ва иборалар :** “Оқ қалъа” романи, Шарқ ва Ғарб зиддияти, постмодерн роман, мотив, ровийлар, полифония, интертекстуаллик

**Аннотация:** В данной научной статье раскрывается конфликт между Востоком и Западом в романе «Белая Крепость» Орхана Памука. Этот роман относительно меньше, чем предыдущие романы Орхана Памука. Тем не менее роман «Белая Крепость» распространил славу Орхана Памука не только в Турции, но и во всем мире.

Согласно статье, в данной работе Орхан Памук использовал характерный для постмодернистского романа метод создания романа в романе, метапрозы и разделил реальность на внешнюю и внутреннюю через элемент истории. Этим романом, получившим высокое признание мировых литературоведов, Орхан Памук пролил свет на многие вопросы, которые он ставил как основную мысль в своем творчестве.

Английское издание романа «Белая Крепость» получило высокую оценку крупных литературных кругов Европы и США. Важнейшей темой произведения является противопоставление восточной и западной культур, причем образ Ходжи олицетворяет Восток, а образ итальянского раба представляет Запад. Роман уместно интерпретировать как художественное выражение этого конфликта.

**Ключевые слова и фразы:** роман «Белая Крепость», конфликт Востока и Запада, постмодернистский роман, мотив, рассказчики, полифония, интертекстуальность.

**Abstract:** This scientific article reveals the conflict between East and West in the novel "The White Castle" by Orhan Pamuk. This novel is relatively smaller than Orhan Pamuk's previous novels. Nevertheless, the novel "The White Castle" spread the fame of Orhan Pamuk not only in Turkey, but throughout the world.

According to the article, in this work, Orhan Pamuk used the method of creating a novel in a novel, metafiction, which is characteristic of a postmodern novel, and divided reality into external and internal through the element of history. With this novel, which received high recognition from world literary critics, Orhan Pamuk shed light on many questions that he posed as the main idea in his work.

The English edition of "The White Castle" was highly appreciated by major literary circles in Europe and the United States. The most important theme of the work is the opposition of Eastern and Western cultures, and the image of Hoja personifies the East, and the image of the Italian slave represents the West. The novel is appropriately interpreted as an artistic expression of this conflict.

**Key words and phrases:** "The White Castle" novel, conflict between East and West, postmodern novel, motif, storytellers, polyphony, intertextuality.

“Жавдат Бей ва ўғиллари” ҳамда “Сассиз уй” романларидан сўнг Памукнинг постмодерн роман имкониятларидан кенг фойдаланган ва ижодий кредосини бир поғона баландга чиқарган асари “Оқ калъа” романидир. Аввалги романларига қараганда ҳажми нисбатан кичикрок бўлган мазкур роман Ўрхон Памукнинг шуҳратини нафақат Туркия, балки, бутун дунёга ёйди. Памук дунё адабиётшуносларининг юксак эътирофига сазовор бўлган бу романи билан ўз ижодида бош ғоя сифатида кўтарган кўплаб масалаларга ойдинлик киритди. “Оқ калъа” романида муҳокама қилинган асосий мавзу қадимий қўлёмаларга мурожаат мавзусидир. Памук янги романда аввалги ёзган “Сассиз уй” асарининг бир эпизодини

олиб, уни кенгайтиради ва ривожлантиради. Маълумки, “Сассиз уй”да асарнинг қахрамонларидан бири тарихчи Фарук Дарвинўғлу одамларга аралашмасдан, қадимий қўлёмаларни ўқиш билан шуғулланади. Бу образда тарихни тилга киргизиш ниятидаги Памукнинг сийрати намоён бўлади. “Оқ қалъа” романи муқаддимасида Фарук Дарвинўғлининг мақоласи берилган бўлиб, мақолада у қўлёмани “Тебзе туман ҳокимлигининг архивидаги фармонлар, ер дафтарлари, суд ҳужжатлари ва бошқа расмий ҳужжатлар билан тўлиб қолган, чанг босган сандикнинг тагида”,<sup>7</sup> деб таърифлайди. Қўлёмани топиш учун айтилган жойни ҳар ёзда бир ҳафта қазишга тўғри келади. “Кўрпа сотувчининг ўғай ўғли” деб номланган бу китоб Фарукнинг диққатини тортади. Фарук китобда тилга олинган даврни ўрганар экан, романдаги бадиий ҳақиқат билан тарихий фактлар тўлиқ мос келмаслигини кўради. У қўлёманинг илмий, маданий ёки тарихий қийматидан кўра, айтилаётган воқеликка кўпроқ эътибор қаратади.

“Оқ қалъа” асари Фарук Дарвиноғлунинг аввал китобни ўқиб, сўнг эслаб қолган жойларини дафтарига қайд қилиб қўйиши натижасида ҳосил бўлади. Романнинг ғайриоддий композицияси ўқувчини асарни охиригача ўқишга ундайди. “Ўқиганлар китобни бугунги турк тилига ўгирганимда ҳеч қандай услуб муаммосига йўл қўймаганимни кўришади”,<sup>8</sup> дея Фарук ўқувчини матнни ўқишга чорлайди. Мутолаа жараёнида ўқувчи ҳам воқеалар иштирокчисига айланишини истайди. Бу нафақат Памукнинг, балки, барча постмодернистларнинг романдан кўзлаган катта мақсадидир. Романнинг инглиз тилидаги нашри Европа ва АҚШнинг йирик адабий доиралари томонидан олқишланди. The New York Times бу ҳақида “Шарқда янги юлдуз пайдо бўлди, бу турк ёзувчиси Ўрхан Памукдир”, деб ёзди. “The Independent” нашри эса “Шарқ ва Ғарб ҳақидаги қарашларни фалсафий ва тарихий нуқтаи назардан ўрганиб, маҳорат билан ёзилган”, дея фикр билдирди. “Ўзининг интроверт тафаккуридаги арабесклар билан Ўрхан Памук бизга Прустни эслатади”, деб ёзади Жон Апдейк. Рио-де-Женейрода нашр этиладиган “Jornal de Brazil” нашрида: “Европа ва Америкадаги адабий доиралар учинчи дунё мамлакатидан келган ёзувчини камдан-кам ҳолларда мақташади”, дея эътироф этилади.

Асар “Муқаддима” қисмининг асосий маъноси Ўрхан Памукнинг “мақсадимиз аниқлик” дея кейинроқ қўшиб қўйган матнида ифодаланган. Унда “Оқ қалъа” романининг манбалари ҳақида маълумот беради ва

<sup>7</sup> Orhan Pamuk, “Beyaz Kale”, Yapı Kredi Yayınları, İstanbul 2013, S.5

<sup>8</sup> Orhan Pamuk, “Beyaz Kale”, Yapı Kredi Yayınları, İstanbul 2013, S.6

ёзилиш жараёини изохлайди: “Аввалги романим “Сассиз уй”нинг қахрамонларидан бири Фарукдан “Оқ қалъа”ни ёзишда юзага келган баъзи қийинчиликларнинг (хусусан, ўқувчи учун зарур тушунтиришлар, етказилиши шарт бўлган тарихий маълумотлар) олдини олиш учун фойдаланишга қарор қилдим. У орқали романдаги услубий ва техник муаммоларни ҳал қилдим. Фарук ҳам Сервантесга ўхшаб Гебзе архивидан топган қўлёзмани таржима қилар экан, матнга бошқа китоблардан бирор нарса қўшган бўлса керак, бу “Сассиз уй”ни ўқиганларнинг ёдида бор”.

Романдаги энг муҳим мавзу Шарқ ва Ғарб маданияти ўртасидаги қарама-қаршилик бўлиб, Хожа образида Шарқ ва италиялик қул образида эса Ғарб тимсоли ётади. Романи мазкур зиддиятнинг бадиий ифодаси сифатида талқин этиш ўринли бўлади. Романдаги бу асосий мавзу ҳақида ёзувчининг ўзи шундай деди: “Балки вақт келгандир, инсонлар ва маданиятларни бир-биридан ажратиб турган таснифлардан бири бўлган Шарқу Ғарб ўртасидаги тафовутни парчаламоқ лозим. Агар сақланган тафовут асрлар давомида инсониятни алдовлар тўрига ташламаганида, бу роман ўзини тутиб турадиган кўплаб рангларни топа олмас эди”.<sup>9</sup> Топилган қадимий қўлёзма мавзуси бугунги кунда постмодерн романларда энг кўп қўлланиладиган мавзулардан бирига айланди. Умберто Эконинг бутун дунё бўйлаб миллионлаб нусхада сотилган “Атиргул исми” романи “Табиийки, қўлёзма” деб номланган муқаддима билан очилади.<sup>10</sup> Шунингдек, аргентиналик ёзувчи Хорхе Луис Борхес ўзининг кўплаб ҳикояларида топилган қўлёзма мавзусидан фойдаланган. Бу мавзу дастлаб турк постмодерн романчилигининг илк намуналаридан ҳисобланган Ўғуз Атайнинг “Тутқич бермаганлар” романида қўлланилган. “Тутқич бермаганлар”нинг қўлёзма матни бошқа биров томонидан қайта ёзилиб, романинг оригинал вариантыни шакллантирган.

Турк танқидчиси Фетҳи Нажи 1985 йилда ёзган мақоласида романдаги Шарқ-Ғарб мавзусини “Оқ қалъа”нинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида кўради: “Уларнинг форматлари ўзгариши мумкин бўлса-да, Ўрхон Памукнинг учта романида доимий такрорланадиган битта умумий муаммо бор. Бу Шарқ ва Ғарб ўртасидаги тафовут муаммоси. Дастлабки икки романда муаммо фақат Туркия нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. “Оқ қалъа”да муаммо нафақат бизнинг мамлакатимиз нуқтаи назаридан кўриб чиқилади, балки, Шарқ ва Ғарб ўзаро таққосланади, иккита алоҳида маданият; уларнинг ўхшашликлари ва фарқлари муҳокама қилинади”.<sup>11</sup>

<sup>9</sup> Orhan Pamuk, “Beyaz Kale”, Yapı Kredi Yayınları, İstanbul 2013, Sayı: 3

<sup>10</sup> Умберто Эко, Имя розы, Издательство Corpus, Москва, 2012, 710 стр.

<sup>11</sup> Fethi Naci, "Beyaz Kale", 50 Türk Romanı, Oğlak Yayınları, İstanbul 1997, ss. 417-418

Роман иккаласи ҳам бир-бирига маънавий жиҳатдан қарама-қарши бўлган икки образни бош қаҳрамон даражасига олиб чиқади ва бу икки тип атрофида Шарқу Фарб конфликтини кўрсатиб беради. Бадиий асар сюжетини ҳаракатга келтириб турувчи бу конфликт романда гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб намоён бўлади. Ўрхон Памук “Оқ қалъа”да Шарқ ва Фарб маданиятини қарама-қаршилик сифатида кўрмайди, балки ўзаро конфликтда яшайдиган бу икки дунёни яраштиришга ҳаракат қилади. Памук Фарбнинг устунлиги ҳарбий қудратда эмас, балки илм-фанда дея билади. Шарқ ва Фарб асрлар давомида ёнма-ён, лекин бир-биридан масофа сақлаган ҳолда яшаб келган. Бу икки дунё фақат урушлар орқали бир-бирини таниган. Шу сабабли, ҳарбий қудрат жиҳатидан устун бўлган томонни ўз мустақиллигини сақлаш ниятида бўлган томон билан келиштириб, бу икки цивилизация орасидаги масофани яқинлаштирувчи нуқтани топиш керак. “Оқ қалъа”нинг маъноси Фарбдаги баланд қалъаларга мос келади. Памук Хожанинг ички дунёсида бу қалъа тикланиши, бу қалъа илм ва эркин фикр билан қурилиши керак деб ҳисоблайди.

Бу мавзуларга кўшимча равишда “Оқ қалъа”да кўплаб манбаларни эслатадиган ва асоси ўша манбалардан олинган “ўлимдан кўрқув” ва “вабо” каби мавзулар ҳам мавжуд. Ушбу мавзулар роман сюжетига интрига кўшишни мақсад қилганлиги сабабли, уларнинг бир ўзи билан романнинг тугунини ечиш имконсиз. Улар асосий мавзулар билан бирга романнинг яхлитлигини таъминлаб беради. Памукнинг бу романини хаёлий саргузашт дейиш мумкин. Ёзувчи илк бор мазкур романида хаёлий оламни яратади. Кўп машҳур асарларга ҳавола бериладиган “Оқ қалъа” тарихий романнинг умумий хусусиятларидан узоқлашмайди. Унда тарихий материаллардан фойдаланиш билан бирга тарихий мотив ровий томонидан таҳлил қилинади. Баъзи ўринларда танқидий муносабатни ҳам кўрамайди. “Памукнинг “Оқ қалъа” романи анъанадан фойдаланиб туриб, хаёл ва ҳақиқат чегарасини хиралаштириши адабиётимизга мислсиз лаззат олиб келган бетакрор роман бўлди”, дейилади.<sup>12</sup>

Роман сюжетини кўриб чиқадиган бўлсак, асар “Сассиз уй” романи орқали таниш бўлган тарихчи Фарук Дарвинўғлунинг “Муқаддима” номли мақоласи билан бошланади. Фарук ушбу мақоласида 1982 йилда Гебзе архивидан айнан шу романнинг қўлёзмасини топганини, кейинчалик ушбу асар юз берган 17 асрга оид тадқиқотлар олиб борганини айтади. Бироқ Фарук ана шу тарихий тадқиқотлар натижасида романдаги воқеалар билан тарихий фактлар у қадар мос келмаслигини кўради. Фарук тадқиқотлардан воз кечиб, романнинг ўзи билан шуғулланишга қарор қилади. У эски

<sup>12</sup> Fethi Naci, "Beyaz Kale", 50 Türk Romanı, Oğlak Yayınları, İstanbul 1997, ss. 417-418

матнни ўқиб чиққан ҳолда, ўзи ўйлаган маънога мос келадиган бошқа бир янги матнни қайта ёзади. Нашриётнинг илтимосига кўра, уни “Оқ қалъа” номи билан нашр этиш мақсадга мувофиқ деб топилади.

“Оқ қалъа” романи “яхши инсон ва яхши сингил” Нилгун Дарвинўғлу (1961-1980)га бағишланган.<sup>13</sup> Нилгун “Сассиз уй”да Ҳасан томонидан қалтакланиб, натижада мияси касалланиб вафот этади. “Оқ қалъа” романи Марсел Прустнинг иқтибослари билан бошланади: “Муҳаббатнинг аввалидаёқ қизиқишимизни уйғотаётган одамни ҳаётнинг бизга номаълум ва шу қадар жозибали унсурлари билан аралашиб кетган деб ўйлаш ва биз буни қила оламиз дея ўйлаш нимани аңлатади? Фақат унинг севгиси билан ҳаётга кирасизми?”<sup>14</sup> Иқтибосга роман сюжети нуқтаи назаридан қараганда уйғунлик кўринади. Гап икки киши ўртасидаги яқин муносабат ҳақида кетмоқда. Бу одамлардан бири ўзининг нотанишлиги ва сирлилиги туфайли бошқа одамга жозибали туюлади. Роман сюжети шу асосий ғояга асосланади. “Асар вақт ўтиши билан бошқа (асар)га айланади. Чунки уни тушуниш ҳар хил”.<sup>15</sup> Роман бошида юз берган тўқнашув туркларнинг ғалаба қозониши ва италянларни қўлга олиши билан тугайди. Кўп ўтмай, биз интригани ҳаракатга келтирадиган иккинчи можарога дуч келамиз. Бу тўқнашув мусулмон ва мусулмон бўлмаганлар ўртасидаги зиддиятдир. Бу конфликт роман давомида давом этади. Натижада италиялик қул мусулмон бўлишга мажбур бўлади. Кейинчалик унинг барибир мусулмон бўлмаслиги тушуниб етилгач, бу уринишдан воз кечилади. Шундан сўнг сюжет конфликтни ўзгартириб, навбатдаги зиддият Хожа ва италян кули атрофида содир бўлади.

Италиялик қул динни қабул қилишга қаршилиқ қилганда, Султон уни ўлдириш билан таҳдид қилади. Аслида, у бунинг учун кичик бир ҳаракатни амалга оширади, яъни италиялик қулнинг бошини кесишни буюради: “У ерда ёғоч бор эди, тиззаларимни букиб, бошимни қўйишди. Аввал кўзларимни юмдим, кейин очдим. Кимдир болтани олди. Бошқаси, эҳтимол, афсусдаман, деди. Мен бироз кўпроқ ўйлашим керак эди”.<sup>16</sup>

Италиялик қул бу таҳдид ва қўрқитишларга қарамай динини ўзгартирмайди ва Пошо уни кечиради. Унинг афв қилинишига Пошонинг унга берган ваъдасини бажармоқчи бўлганлиги сабаб бўлган: “Ўшанда Султон мени Хожага совға қилганини айтди. Кўп нарсани тушунмасдан олдин мен қарадим. Пошо тушунтирдик, энди мен Хожанинг қулиман, у Хожага бир варақ қоғоз берди, мени озод қилиш ёки бермаслик Хожанинг

<sup>13</sup> Orhan Pamuk, “Beyaz Kale”, Yayı Kredi Yayınları, İstanbul 2013, S.4

<sup>14</sup> Orhan Pamuk, “Beyaz Kale”, Yayı Kredi Yayınları, İstanbul 2013, Sayı: 5

<sup>15</sup> “Адабиёт – инсонни кашф қилиш” / Тўшам. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2016, 70-бет

<sup>16</sup> Orhan Pamuk, “Beyaz Kale”, Yayı Kredi Yayınları, İstanbul 2013, Sayı: 52

Ўзига боғлиқ, бундан буён у менга нима хоҳласа, шуни қилади”<sup>17</sup>Романнинг иккинчи қисмида эндигина танишган икки кишининг бир-бирини яқиндан билиш жараёни тасвирланади. Хожанинг уйини ташқи дунёга ёпиқ муҳит деб таърифлаш мумкин. Ўрхон Памук худди лабораторияда тажриба ўтказаетгандек, бу икки карама-қарши кутбни ёпиқ муҳитда бирлаштириб, ўз натижаларини ўқувчига тақдим этади. Роман давомида бу икки образ бир-бирига таъсир қилади ва вақт ўтиши билан улар бир-бирини алмаштиради.

Ўқувчига романнинг биринчи қисмида узокдаги фон сифатида кўринаётган Шарқ-Ғарб тўқнашуви бу қисмдан кейин сюжетнинг ҳал қилувчи элементига айланади. Бу конфликтнинг диққатга сазовор жиҳати шундаки, Хожа италиялик қулни уйига олиб кетади, ўқувчи уни Ғарб рамзи сифатида қабул қилади. Ғарчи бу ерда карама-қаршилиқ манзараси пасайгандек туюлса-да, романда Шарқ ва Ғарб конфликтни кучайишда давом этади. Бу можаронинг ўзига хос жиҳати шундаки, у камайиб бораётгандек туюлиши билан кўпаяди, ортиб бораётгандек кўринганда камаяди. Роман сюжетида асосий мавзу саналган мусулмон-ғайримусулмон конфликтни шу нуқтада ўз ўрнини Шарқ-Ғарб конфликтига бўшатиб беради. Шарқ ва Ғарб зиддиятини романнинг воқеалар занжиридаги бошқа зиддиятлар янада кучайтиради. Хожанинг мақсади Султонга ўз маҳоратини кўрсатиб, “Уста мунажжим” бўлиш истаги бор. Воқеалар ривожининг давомида Хожа ва италян қул йиллар давомида илм-фан устида турли изланишлар олиб боришади. Бу асарларнинг асосий хусусиятини италян қули тушунтиради: “Кейин мен унга ҳамма нарсани ўргатаман, дедим. У буни Пошодан сўради ва фақат шундан кейингина мени озод қилиши мумкин эди. Бунинг ҳаммаси нима эканлигини билиш учун менга бир неча ой керак бўлди. Менинг юртимда ўқитиладиган барча астрономия, тиббиёт, муҳандислик фанларини ўргатишим керак эди!”<sup>18</sup>

Хожа ва италян қул бирга ишлаётган пайтда, Пошонинг бу даврда ўзи иштирок этган фитна туфайли Эрзурумга сургун қилингани кўрсатилади. Бу сургун Хожа ва италян қулнинг режаларини ҳавога сокуради. Шу жойда интрига совигандай туюлади, лекин Пошонинг Эрзурумдан қайтиши билан сюжетга яна интрига қайтади. Пошо қайтиб келган оқшом Хожа уни уйида узок вақт давомида олиб борган изланишларининг маҳсули сифатида яратган космография модели билан таништиради. Бироқ, Пошони моделдан кўра италян қули кўпроқ қизиқтиради. Шу нуқтада Шарқ ва Ғарб зиддиятлари яна биринчи ўринга чиқади. "Пошо мени эслади ва "У сизга бу

<sup>17</sup> Orhan Pamuk, “Beyaz Kale”, Yapı Kredi Yayınları, İstanbul 2013, Sayı: 56

<sup>18</sup> Orhan Pamuk, “Beyaz Kale”, Yapı Kredi Yayınları, İstanbul 2013, Sayı: 33

нарсаларни ўргатганми?", деди. Унинг биринчи муносабати айнан шундай эди. Хожа Пошони янада хайратга соладиган муносабат кўрсатди: "Ким?" Кейин у тезда гап мен ҳақимда бораётганини англади. У Пошого менинг билимдон аҳмоқ эканлигимни айтди. Бу гапларни айтаётганда мен уни кизиқтирмасдим, хаёли ҳамон Султон саройида нималар бўлаётгани ҳақида эди. Сўнг бунинг ҳаммасини ўзим ўйлаб топганман, деб туриб олди, лекин Пошо ишонмади, айбдорни қидирадиган кайфияти бор эди, ўша айбдор ўзи севган Хожа эканлигига кўнгли қаноат қилмагандек бўлди".<sup>19</sup> Хожанинг ишини кадрлаган Пошо уни ва италян кулини Султон ҳузурига олиб келишини эълон қилади. Романнинг шу нуқтасида интрига авжига чиқади. Орадан бир неча кун ўтгач, Хожа Султон ҳузурига боради. Эндигина тўққиз ёшга тўлган Султон Хожа кўрсатган космография макетини кизиқиш билан томоша қилади. У бу модел ҳақида Хожа болаларча кўрган саволларни беради. Сўнг ана шу саволлар юзасидан Хожадан касал шер ҳақида башорат сўрайди. Хожа султонга чалғитувчи жавоблар бериб, саволларни четлаб ўтади. Бу ерда Хожанинг фикрлари атрофида илм ва ёлғон ўртасидаги зиддият юзага келади: "Хожа касал шер ҳақида ўз фикрини айтар экан, худди юлдузлар ҳақида гапиргандай, яна осмонга қаради. Уйга қайтгач, у бу тафсилот ҳақида нафрат билан гапирди. Муҳими, боланинг илм билан бемаъниликни фарқлашида эмас, балки бир нарсани англаб етишидадир".<sup>20</sup>

Орадан бир ҳафта ўтиб Султон Хожани яна ҳузурига таклиф қилади. У унга шерининг тузалиб бораётганини айтади. Буни ўқувчининг кизиқишини оширадиган ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин. Султон Хожадан башорат қилишини сўрашда давом этади. У олган жавобларнинг тўғрилиги кейинги ишларнинг қандай кечишида муҳим аҳамият касб этади. Бироз вақт ўтиб, ёзнинг бошида бош қози Ҳусайн афандининг жасади топилади. Бу Хожанинг ўз ниятига эришишига яқинлаштиради. Ов пайтида Султон Хожадан итлардан қутқарилган қуённинг маъносини сўрайди. Хожа бу ҳолатни "Султоннинг қутилмаган жойлардан душманлари бўлади, тасодифан у хавф-хатарга дуч келади ва ундан эсон-омон ўтади", дея шарҳлайди.<sup>21</sup> Кўп ўтмай, саройда кўзғолон бўлади. Кўсем Султон яничарлар билан бирлашиб, Султонни ағдаришга ҳаракат қилади. Кўзғолон қон билан бостирилиб, Султон ўлимдан аранг қутулиб қолади. Бу воқеалар романда интрига кулминацияга қараб ошиб бораётганини кўрсатади.

<sup>19</sup> Orhan Pamuk, "Beyaz Kale", Yapı Kredi Yayınları, İstanbul 2013, Sayı: 34-35

<sup>20</sup> Orhan Pamuk, "Beyaz Kale", Yapı Kredi Yayınları, İstanbul 2013, s.65

<sup>21</sup> Orhan Pamuk, *Beyaz Kale*, İletişim Yayınları, İstanbul, 1996, s.68



Юриш муваффақиятсиз тугайди. Аммо Хожа Султоннинг олдида келиб, барчасини мантқиқий асослаб беришга уринади, натижада Султон уни авф этади. Кечкурун чодирга қайтган Хожа энди йиллар давомида ишлаб юрган режасини амалга оширишга тайёрлигини кўрамиз. Кечаси чодирда италян қулининг туғилган шаҳри ва шунга ўхшаш тафсилотлар ҳақида узоқ гаплашишади. Хожа узоқ вақтдан бери орзу қилган бу орзусини ниҳоят амалга оширади. Улар бир-бирини алмаштиришади, италиялик қул билан бир-бирига айланишади. Романнинг ўн биринчи ва охириги боби орадан ўн олти йил ўтиб асосий сюжетга қўшилган иловадан иборат.<sup>22</sup> Ушбу бўлимда қаҳрамонларимизнинг тақдири ҳақида қисқача тушунтириш берилади. Аввало, Истамбулда қолиб, Хожага айланган ва унинг ҳаётини яшаётган италян қулининг тақдири ойдинлашади. Султон Истамбулга қайтиб келгач, бу ўзгаришни сезмай юради, лекин у аслида Хожани италян қулига алмашаётганини ҳис қилгани учун асл ҳақиқатни билмоқчи бўлади. Италиялик бунга етти йил чидайди ва "Инсоннинг кимлиги муҳим эмас, муҳими, биз нима қилишимиздир...",<sup>23</sup> деган хулосага келади. У кетиш учун изн сўраганида, Султон уни қўйиб юборишни истамайди. Италиялик ўз шахсини энди яшира олмаслигини англагач, Гебзегга қочади. У шу ерда оила ва ўзи собиқ бош мунажжим бўлгани учун уни зиёрат қилишга келганларни кутиб олиш билан шуғулланади. Бир куни Италияга ташриф буюрган саёҳатчидан Хожанинг тақдири ҳам ойдинлашади. Хожа Италияга етиб келган ва турклар орасида бошидан кечирган ақл бовар қилмайдиган саргузаштлари, ҳайвонларни севган сўнгги султон, сарой, турклар ва вабо ҳақида кўплаб китоблар ёзган. Унинг ёзганлари қизиқиш билан кутиб олинади. Асар сўнггида унинг "Мен яқиндан билган турк" номли китоб ёзаётгани маълум бўлади.<sup>24</sup> Ўн биринчи бобнинг энг муҳим жиҳати шундаки, унда "Оқ қалъа" ҳақида сўз юритиларкан, уни хаёлий матн сифатида таърифланади, хаёл ва ҳақиқат ўртасидаги чегара олиб ташланади. Италиялик қулнинг сўнгги бобда айтган "Мен биринчи марта бу ҳикояни сиз ўқиб тугатишингизни орзу қилгандим!",<sup>25</sup> деган иқрори ёзувчининг италиялик қул образига юклаган ва ўқувчига қилган ички мурожаатидир. Асарда тарих ва бугун ўзаро қоришиқ тарзда, устқурма элементи ёрдамида, яъни роман ичида роман шаклида акс эттирилган.

Хулоса

Ўрхон Памук ижодининг асосий ғояси Шарқ-Ғарб маданияти ўртасидаги зиддиятлар муаммосини ечиш ҳисобланади. Ёзувчи ижодининг

<sup>22</sup> *Orhan Pamuk, Beyaz Kale, İletişim Yayınları, İstanbul, 1996, s.136*

<sup>23</sup> *Orhan Pamuk, Beyaz Kale, İletişim Yayınları, İstanbul, 1996, s.112*

<sup>24</sup> *Orhan Pamuk, Beyaz Kale, İletişim Yayınları, İstanbul, 1996, s.142*

<sup>25</sup> *Orhan Pamuk, Beyaz Kale, İletişim Yayınları, İstanbul, 1996, s.149*

бош ғоясини ушлаб турган бу йирик конфликт ўз ичида консерваторлик ва либераллик, ислом ва насронийлик, кадриятлар ва оммавий маданият каби яна бир қанча зиддиятларни қамраб олади.

Ўрхон Памук романлари ўзига хос турк постмодерн романи анъанасини яратиш мақсади илгари сурилган матнлар дейиш мумкин. Ёзувчи ҳар бир асарида ўзига хос структурадан фойдаланади, асарда ўзидан аввалги адабий манбалардан мотив олишдан чўчимайди. Эски мотивларни қайта ишлайди, улардан ўзининг ғоясини юзага чиқаришда, фикрини ўқувчига етказишда маҳорат билан фойдаланади.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Abdumannopov, M. M., Akhmedov, O. U., & Tokhtasinov, T. (2022). ESSENTIAL MODES FOR ACTIVATING MASTERING SUBJECTS AT SCHOOLS. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MATHEMATICAL THEORY AND COMPUTER SCIENCES*, 3(12), 1-4.
2. Abdumannopov, M. M., Akhmedov, O. U., & Tokhtasinov, T. (2022). ESSENTIAL MODES FOR ACTIVATING MASTERING SUBJECTS AT SCHOOLS. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MATHEMATICAL THEORY AND COMPUTER SCIENCES*, 3(12), 1-4.
3. Khursanalievich, K. U., Ugli, T. T. S., & Askarali, M. (2022). DRAWING AND IMAGE MODELS TOOL MATH LEARNING OPTIONS. *American Journal of Applied Science and Technology*, 2(09), 26-34.
4. Khursanalievich, K. U., Ugli, T. T. S., & Askarali, M. (2022). DRAWING AND IMAGE MODELS TOOL MATH LEARNING OPTIONS. *American Journal of Applied Science and Technology*, 2(09), 26-34.
5. Khursanalievich, K. U., Ugli, T. T. S., & Askarali, M. (2022). DRAWING AND IMAGE MODELS TOOL MATH LEARNING OPTIONS. *American Journal of Applied Science and Technology*, 2(09), 26-34.
6. Khursanalievich, K. U., Ugli, T. T. S., & Askarali, M. (2022). DRAWING AND IMAGE MODELS TOOL MATH LEARNING OPTIONS. *American Journal of Applied Science and Technology*, 2(09), 26-34.
7. Khursanalievich, K. U., Ugli, T. T. S., & Askarali, M. (2022). DRAWING AND IMAGE MODELS TOOL MATH LEARNING OPTIONS. *American Journal of Applied Science and Technology*, 2(09), 26-34.
8. Raximovich, K. K., & Shokirjon o'g'li, T. T. (2022). OJ-ALGEBRA OF MEASURABLE ELEMENTS WITH RESPECT TO A SUBADDITIVE MEASURE ON JORDAN ALGEBRAS. *European Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 4, 19-21.

9. Raximovich, K. K., & Shokirjon o'g'li, T. T. (2022). OJ-ALGEBRA OF MEASURABLE ELEMENTS WITH RESPECT TO A SUBADDITIVE MEASURE ON JORDAN ALGEBRAS. *European Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 4, 19-21.

10. Raximovich, K. K., & Shokirjon o'g'li, T. T. (2022). OJ-ALGEBRA OF MEASURABLE ELEMENTS WITH RESPECT TO A SUBADDITIVE MEASURE ON JORDAN ALGEBRAS. *European Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 4, 19-21.

11. Raximovich, K. K., & Shokirjon o'g'li, T. T. (2022). OJ-ALGEBRA OF MEASURABLE ELEMENTS WITH RESPECT TO A SUBADDITIVE MEASURE ON JORDAN ALGEBRAS. *European Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 4, 19-21.

12. Raximovich, K. K., & Shokirjon o'g'li, T. T. (2022). OJ-ALGEBRA OF MEASURABLE ELEMENTS WITH RESPECT TO A SUBADDITIVE MEASURE ON JORDAN ALGEBRAS. *European Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 4, 19-21.

13. Кодиров, К. Р., Тухтасинов, Т. Ш., & Йўлдошали, Й. У. (2021). Связь топологии сходимости по мере на алгебрах Фон Неймана. *Вестник магистратуры*, 7.

14. Кодиров, К. Р., Тухтасинов, Т. Ш., & Йўлдошали, Й. У. (2021). Связь топологии сходимости по мере на алгебрах Фон Неймана. *Вестник магистратуры*, 7.

15. Кодиров, К. Р., Тухтасинов, Т. Ш., & Йўлдошали, Й. У. (2021). Связь топологии сходимости по мере на алгебрах Фон Неймана. *Вестник магистратуры*, 7.

16. Кодиров, К. Р., Тухтасинов, Т. Ш., & Йўлдошали, Й. У. (2021). Связь топологии сходимости по мере на алгебрах Фон Неймана. *Вестник магистратуры*, 7.

17. Кодиров, К. Р., Тухтасинов, Т. Ш., & Йўлдошали, Й. У. (2021). Связь топологии сходимости по мере на алгебрах Фон Неймана. *Вестник магистратуры*, 7.